

## **Мавзу: SMM платформалар билан танишиш. Facebook тармоғи**

**1-босқич. Кириш.** Ушбу босқичда **SMM платформалар билан танишиш. Facebook тармоғи** мавзусини веб-квест технологияси ёрдамида машғулот олиб бориш босқичлари тушунтирилади ва дарс якунида ўқувчилар билимини баҳолаш айтилади. Ўқувчиларнинг билими икки босқичда, яъни биринчи босқичда назарий билимларини тестлар ёрдамида баҳоланса, иккинчи босқичда рўйхатдан ўтган Facebook тармоғи таҳлил қилиниб, баҳолаш тушунтирилади.


**2-босқич. Муаммо қўйилади.** Ечилиши талаб этиладиган қуйидаги вазифа берилади:

- 1) Facebook тармоғидан рўйхатдан ўтиш учун керакли сайтни танлаш;
- 2) берилган топшириқни бажариш учун ахборот-таълим муҳитларини ва веб-сайтни танлаш;
- 3) керакли ўқув воситаларни тўплаш.

**3-босқич. Топшириқлар берилади.** Мустақил бажариш учун қуйидаги топшириқлар берилади:

- 1) Facebook тармоғида рўйхатдан ўтиш;
- 2) Facebook тармоғида шахсий профилига расм ўрнатиш ва маълумотлар киритиш;
- 3) Facebook тармоғида дўстларини қидириш ва уларга сўров юбориш;
- 4) Facebook тармоғида биринчи хабарини яратиш;
- 5) Янгиликлар тасмасидаги хабарларга изоҳ қолдириш;


**4-босқич. Маслаҳат ва тавсиялар бериш.** Қўйилган муаммони ечиш ва берилган топшириқни бажариш учун **dr.rtm.uz, it-education.uz** ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш тавсия этилади. Қуйидаги 1-расмда тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитининг бош ойнаси келтирилган.



**1-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитининг бош ойнаси.**

Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитида ва Халқ таълим вазирлигининг веб-сайтидан мавзуга оид видеодарслардан фойдаланиб, топшириқларни бажаради.

Шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитига жойлаштирилган дарс ишланмалардан фойдаланиш тавсия этилади:




**2-расм. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитининг методик ёрдам бўлимининг ойнаси.**

Тавсия этилаётган бўлимда ҳар бир мавзуга оид дарс ишланмалар жойлаштирилган. Ўқувчилар ушбу бўлимдан амалий топшириқларни бажариш учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга (Ҳар бир амалий дастурларнинг яратиш кетма-кетлиги келтирилган).

**5-босқич. Амалий иш жараёни.** Ушбу босқичда Facebook тармоғида мустақил равишда бажаради. Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил равишда ва бажаришини назорат қилади ҳамда зарурий тавсиялар бериб борилади.

**6-босқич. Хулоса.** Ўқувчилар томонидан Facebook тармоғида яратилган akkaунт муҳокама қилинади ва умумий хулоса қилинади. Энг яхши таҳририланган akkaунт аниқланади.

**7-босқич. Баҳолаш.** Мазкур босқичда ўқувчилар билими баҳоланади. Баҳолаш икки босқичда амалга оширилади: 1. Назарий билимлари (тестлар ёрдамида). Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда стандарт тестлар ва кроссвордлардан фойдаланилади. Бу тестлар тадқиқот доирасида яратилган ахборот-таълим муҳитида мужассамлашган:



**3-расм. Стандарт тестлардан фойдаланиш жараёни.**

Стандарт тестлар ёрдамида «SMM платформалар билан танишиш. Facebook тармоғи» мавзуси бўйича ўқувчиларнинг назарий билимлари

баҳоланса, кроссвордлар ёрдамида эса уларнинг хотирасини кўчайтиради ва зехнини оширишда фойдаланилади:

Form2 ×

Savolni tanlang 1-savol. Foto va videolarni ulashish uchun mo'ljallangan tarmoq.


1-savol

1.					T					
2.					E					
3.					L					
4.					E					
5.					G					
6.					R					
					A					
8.					M					

Natija Asosiy oyna

#### 4-расм. Кроссвордлардан фойдаланиш жараёни.

Иккинчи босқичда ўқувчилар билими ICILS тестлар ёрдамида баҳоланади. ICILS тестлар ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ва ёзма нутқини, керакли маълумотларни танлаш қобилияти ривожлантиради. Шу боис, 8-синф «Информатика ва ахборот технологиялари» дарсларида ICILS тестлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. ICILS тестлар ўқувчиларнинг билимини баҳолашда икки босқичдан фойдаланилади. Биринчи бўлимда «SMM платформалар билан танишиш. Facebook тармоғи» мавзусида оид назарий билимлари текширилади:

 INFORMATION TECHNOLOGY EDUCATION.UZ

[Asosiy](#) [Tizim haqida](#) [Nazoratlar](#) [Taqqidmotlar](#) [Metodik yordam](#) [Muallif haqida](#) 🔍

---

6 / 10

Facebook tarmog'iga kimlar asos solgan?

Mark Suckerberg

Eduardo Saverin

Dustin Moskovitz



Javed Karim

Prev Next

EXE **YUKLAB OLISH: 2-DARS**  
Yuklab olingan: 4, hajmi: 5.8 MB, sana: 03.03.2022

⌵


#### 5-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.




**6-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.**

Иккинчи босқичда эса амалий билимлари баҳоланади. Бунда куйидаги топшириқлар берилади:

Facebook tarmog'ida maqola chop etish uchun qaysi bandi bosiladi?



Facebook tarmog'idan chiqish uchun qaysi tugma bosiladi?



**7-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.**

Ушбу саволга ўқувчи керакли бандини сичқонча тугмасини босиб кўрсатиб жавоб беради.

- 1) Масалалар панели орқали Google браузерни ишга туширинг.
- 2) facebook.com сайтига кириг.
- 3) Рўйхатдан ўтиш (Регистрация) бўлимини танланг.
- 4) Рўйхатни тўлдириг: Исм: Lola, Фамилия: Isroilova.  
Электрон почта: lola.isroilova@inbox.ru Парол:12345678  
Туғилган кун: 22 ой: апрел, йил: 1990, жинси:аёл
5. Регистрация тугмасини босинг.

Мазкур берилган топшириқларни ўқувчилар махсус яратилган ўргатувучи дастурлар ёрдамида амалий бажариб кўрсатади:

**Topshiriq**  
**FACEBOOK TARMOG'IDA**  
**RO'YXATDAN O'TISH**

1. Google brauzerni ishga tushiring.
2. facebook.com saytiga kiring.
3. Yangi akkaunt yaratish (Создать новый аккаунт) bo'limini tanlang.
4. Ro'yxatni to'ldiring. ISM: Lola, Familiya: Isroilova.  
Elektron pochta: lola.isroilova@inbox.ru  
Parol: 12345678  
Tug'ilgan kun: 22 oy: aprel, yil: 1990, jinsi: ayol
5. Регистрация tugmasini bosing.



**8-расм. ICILS тестлардан фойдаланиш жараёни.**

Бу амалий топшириқларни ўқувчилар бажариш асосида Facebook тармоғида рўйхатдан ўтишга оид кўникмага эга бўлади.